

уч карра Осиё
чемпиони!

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2012» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов ғолиблари

Аъло Абдуллаев — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг Фотоахборот тахририяти фото-мухбири.

Мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида амалга оширилаётган ислохотлар самаралари, республикамизнинг халқаро майдондаги нуфузи акс этган фоторепортажлари учун.

Саидолим Абдурахмонов — «Адолат» газетасининг махсус мухбири. Жамият ҳаётида юз бераётган демократлаштириш жараёнлари акс этган, долзарб масалалар ёритилган таҳлилий-танқидий материаллари учун.

Насриддин Асридин — «Ёшлар» телерадиоканали катта муҳаррири.

Ёшлар маънавиятини юксалтиришга бағишланган «Бугуннинг гапи» ток-шоулари учун.

Эркин Ёдгоров — «Бухоронома» газетасининг иқтисодиёт бўлими муҳаррири.

Вилоятда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар кенг таҳлил этилган мақолалари учун.

Барчиной Жўраева — ЎзМТРК «Дунё бўйлаб» телеканали Ахборот-таҳлилий дастурлар муҳарририятининг бош муҳаррири ўринбосари.

Истиқлол йилларида республика-мизда эришилган ютуқлар, халқимизнинг бой маданий мероси, миллий анъана ва қадриятларини кенг тарғиб этишга қаратилган «Дунё ичра дунё — Ўзбекистоним!» туркумидаги кўрсатувлари учун.

Мамадиёр Зиёдинов — «Халқ сўзи» газетасининг Самарқанд вилояти бўйича ўз мухбири.

Мамлакатимизда ва вилоятда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг қўлами ва самаралари, шунингдек, қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши тўғрисидаги мақолалари учун.

Луиза Махмудова — «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги Халқаро ахборот тахририяти бош муҳаррири (интернет-журналистика).

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган ташқи сиёсати, унинг стратегик устувор йўналиш-



Хусан АСРОРОВ олган суратлар.

лари мазмун-моҳияти таҳлилий ёритилган материаллари учун.

Тамара Машарипова — Қорақалпоқ давлат университети Журналистика кафедраси катта ўқитувчиси, «Қорақалпоқ давлат университети ахборотномаси» масъул котиби.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросига доир педагогик ва ижодий фаолияти учун.

Ҳабиб Пўлатов — НТТ телеканали «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури мухбири.

«Мустақам оила йили» ва «Обод турмуш йили» Давлат дастурлари ижроси ҳақидаги туркум кўрсатувлари учун.

Озода Яхшибоева — Қашқадарё вилояти телерадиоканали муҳаррири.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги макеи ва ролини юксалтириш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, уларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини оши-

ришга қаратилган давлат сиёсати-ни тарғиб этган материаллари учун.

Куйидаги журналистлар ижодий танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлдилар:

Меҳри Абдурахмонова — (Жиззах вилояти) Вилоят ўрта махсус касб-хуна тарғиб бўлими бошқармаси наشري — «Келажак бунёдкори» газетаси бош муҳаррири

Мукаддас Абдусаматова — Фахрий журналист

Арухан Акпанбетова — «Нурлы жол» газетасининг адабиёт, маданият ва санъат бўлими мухбири

Шоҳида Даманова — «Миллий тикланиш» газетаси мухбири

Мукаррам Жалилова — ЎзМТРК «Тошкент» телерадиоканали «Пойтахт» ахборот дастури бош муҳаррири бўлими мудир

Мафтунахон Мамасиддиқова (Фарғона вилояти) — «Марғилон-ТВ» телеканали муҳаррири

Раҳим Максудов (Навоий вилояти) — «Қизилтепа тонги» туман газетаси бош муҳаррири

Қамолддин Минбоев (Сурхондарё вилояти) — «Сариосиё» туман газетаси мухбири

Анорбой Норкулов (Сирдарё вилояти) — «Мирзаобод» газетаси бош муҳаррири

Муҳаммад Обилов (Наманган вилояти) — Вилоят телерадиоканали «Олтин замин» радиоси бош муҳаррири

Оллоберган Ражабов (Хоразм вилояти) — «Хоразм ҳақиқати» газетаси агросанъат бўлими мудир

Екатерина Соболева — «Uzbekistan Today» газетаси мухбири

Нигора Шофайзиева (Тошкент вилояти) — «Ангрен шаҳар «Улғу йўл» газетаси муҳаррири ўринбосари

Жаҳонгир Эгамназаров (Андижон вилояти) — «Тараққиёт» телерадиоканали муҳаррири

Дилфуза Қўзиева — «Фермер» журналі масъул котиби

ЮКСАК РАҒБАТ ВА ЭЪТИБОР — ФАОЛЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, маданият ва спорт ишлари вазири М.Ҳошимов, Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида ахборот эркинлигини таъминлашга, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикрини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини ифода этадиган минбарга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида миллий матбуотимиз замонавий талаблар асосида тубдан янгиланиб, ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони 1991 йилга нисбатан 3,5 баробар ортиб, 1326 тага етди. Бугун босма нашрларнинг қарийб 53 фоизи, теле ва радиоканалларнинг 64 фоиздан зиёди, веб-сайтларнинг эса 98 фоиздан ортиғи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир.

Мамлакатимизда яшайдиган миллият ва элларнинг тўққиз тилида босма нашрлар фаолият юритмоқда, кўп тилли веб-сайтлар сони ҳам ошиб бормоқда. Телекоммуникациялар тизими сунъий йўлдош орқали дунёнинг 180 мамлакатига 28 йўналиш бўйича тўғридан-тўғри узатиладиган халқаро каналларга эга.

Президентимиз Ислам Каримов баён этган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»-ги, «Телерадиозиттиришлар тўғрисида»-ги, «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»-ги, «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»-ги каби қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишда матбуот вакиллари фаол иштирок этмоқда. Бу оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини янада мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»-ги қарорига биноан оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларга бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари берилди. Бу нашриёт-матбаа ишларини модернизациялашнинг давом эттириш, ходимларга иш ва қалам ҳақи тўлаш ишларини, кадрлар салоҳияти ва малакасини юксалтиришда муҳим омил бўлаётди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказиладиган «Йилнинг энг фаол журналисти» анъанавий республика кўрик-танлови фаол ва изланувчан, жамиятимиз ҳаётининг турли жаҳда-

ларида кечаётган ислохотларни халқимизга етказишда алоҳида жонбозлик кўрсатаётган фидойи журналистларни аниқлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилги танловга 142 ҳамкасбимиз томонидан 3 мингга яқин ижодий иш тақдим этилди.

Табрида «Йилнинг энг фаол журналисти» республика кўрик-танловининг бу йилги ғолиб ва совриндорларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазириги томонидан ўз ижоди билан юртимизда спортни омма-лаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни спортга кенг жалб этишга фаол ҳисса қўшаётган бир гуруҳ журналистлар тақдирланди.

Мамлакатимиз медиа муҳити ривожига заҳматқаш ноширлар, матбаа соҳаси ишчи-хизматчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ноширлар ва матбаа ходимлари меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида «Энг яхши нашриёт», «Энг яхши матбаа корхонаси», «Энг яхши муқоваловчи», «Энг яхши босма устаси» ва «Энг яхши технолог» номинациялари бўйича ўз мукофотларини таъсис этди. Йилгида мазкур номинациялар бўйича ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан «Ёшлар» телерадиоканали катта муҳаррири Насриддин Асридин, Қорақалпоқ давлат университети Журналистика кафедраси катта ўқитувчиси, «Қорақалпоқ давлат университети ахборотномаси» масъул котиби Тамара Машарипова, «Uzbekistan Today» газетаси мухбири Екатерина Соболева юртимиз оммавий ахборот воситаларини жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шароитларни яратиш ва ижодкорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

— Давлатимиз раҳбарининг табригини тинглаб, мустақил Батарида эркин ижод қилиш катта бахт эканини яна бир қарра чуқур ҳис этдик, — дейди «Йилнинг энг фаол журналисти» республика кўрик-танлови ғолиби, НТТ телеканали мухбири Ҳабиб Пўлатов. — Бундай танловлар ва юксак ғамхўрлик ижодий рағбат, фаоллик ва изланишга ундайди. Юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги кенг қўламли ислохотлар бераётган юксак самараларнинг аҳамиятини оммага янада тезкорлик ва ҳолислик билан етказиш борасидаги ишларимизга янги куч-қувват бағишлайди.

Байрам табдири санъат устаси ва ёш ижрочиларнинг концерт билан яқунланди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, А.Иқромов иштирок этди.

Умид ЁҚУБОВ,
ЎзА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«ДИЙДОР ШИРИН, УНИ ҒАНИМАТ БИЛИНГ»



У телебошловчи сифатида юртдошларимиз қалбидан жой олганига анча бўлган. Бугунги кунда эса НТТ каналида бири-биридан қизиқарли «Дийдор ширин» кўрсатувини тайёрлаб, телетомошабинларга тақдим этиб келмоқда. Биз касб байрамимиз арафасида шу кўрсатув муаллифи ва бошловчиси, журналистика соҳасида «Олтин қалам» миллий мукофоти совриндори Насиба МАҚСУДОВА билан учрашдик.

— Аввало, сизни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни байрами билан табриклаймиз. Келинг, бугунги суҳбатимизни «Дийдор ширин» кўрсатув ҳақида бошласан.

— Биласиз, бугун телеканаллар ва қизиқарли кўрсатувлар кўп. Лекин улар орасида 40-50 ёшдан ошган телетомошабинларга мўлжалланганлар қанча? Ахир, уларнинг ҳам севимли қаҳрамонлари, санъаткорлари, соғиниб кутадиган инсонлари бор-ку? Бу фикримни ҳамкасбларим ҳам қўллаб-қувватлашди ва илк кўрсатув 2008 йилда «Соғин» номи билан эфир юзини кўрди. Кейинчалик «Дийдор ширин» деб номладик. Аввал кўрсатувни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қозим Қайомов, кейин телебошловчи ва хо-

нанда Толибжон Исроиллов, ҳозирги кунда эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Муслимбек Йўлдошев билан бирга олиб бораёямиз.

— Кўрсатув ҳақида телетомошабинлар фикр-мулоҳазалари билан қизиқиб борсангиз керак.

— Тўғри, таниш-билиш, ҳамкасблардан фикрларини сўраб тураёямиз. Лекин муҳлислардан хатлар келиб туради, кўнги-роқлар бўлади. Радио ва телевидениеда, театр ва кинода кўп йиллар ижод қилган таниқли устоз санъаткорларимиз бор. Уларни кўрсатувга олиб чиққанамизда, муҳлислардан роса кўнги-роқлар бўлди. Хатто шундай хат келди. «Анчадан буён бетоб бўлиб ётган отам, кўрсатувингизда ўзи севган таниқли кекса санъаткорни кўриб, ие, у киши ҳали бардам экан-ку деб, касалликни енгиб соғайиб кетди».

Дарҳақиқат, таниқли санъаткорларимизни соғинганлар кўп. Хар бир кўрсатувда улардан бирини эслаймиз, фарзандлари, шогирдларининг гапларини, воқеавий ҳикояларини тинглаймиз. Бу кўпчиликка қизиқ. Айрим инсонларнинг армонлари бўлади. Масалан, «Муҳлислар куйлаганда» деган саҳифамиз орқали саҳнани орзу қилган, лекин чиқа олмаган муҳлислар кўшиқ айтишади. Улар орасида 90 ёшли отахонлар ҳам бор. Бошқа бири шеър ўқийди. Бир аёл 65 ёшга кирганида қўлига қалам олиб расм чизганини намойиш қилди. Ана шундай умид билан яшаётган одамларни биз ибрат қилиб кўрсатишимиз керак. Кўрсатувимизда ёшлар саҳи-

фаси ҳам бор. Бунда санъат ёки бошқа соҳаларда ижод қилиб келаётган истеъдодли ёшлар фаолияти билан таништираёямиз.

— Кўрсатувнинг янада қизиқарли бўлиши учун қандай лойиҳаларни режалаштиряёсизлар?

— Кўпчилик муҳлисларимиз бизга мурожаат қилишади, маслаҳат беришади, ўз-ўзидан янги гоя, лойиҳалар пайдо бўлади. Масалан, «Қўшқанотлар», «Бир сурат тарихи», «Бир кўшиқ тарихи» каби саҳифаларимиз шундай тарзда юзга келди. Кўрсатувга олимларни, шоирларни, ёзувчиларни ва бошқа соҳа вакиллари тақдир қилиб, эркин мавзуларга кенг ўрин бераёямиз. Уларда томошабинларни қизиқтирган саволларга жавоб олишга ҳаракат қилаёямиз.

Эндилкида кўрсатувни вилоятларда ҳам тасвирга олмаёчимиз. Асосан қишлоқ одамларининг турмуш тарзи, қувонч-шодликлари, умуман мустақиллик аталмиш олий неъмат оддий одамларимиз ҳаётида, тақдирларида қандай ифода топаётгани тўғрисида кўрсатувлар тайёрламоқчимиз.

— Таърибли бошловчи сифатида ёш ҳамкасбларингизга қандай маслаҳат бераёсиз.

— Бизнинг касбимиз сўз билан боғлиқ. Адабий тилимиз бой имкониятларидан қанча кенг фойдаланиб, халқона ибораларни қўлласак, томошабинлар олдида шунча ҳурматимиз ошади. Телебошловчилик машаққатли меҳнатни талаб этади. Ҳақиқатан ҳам илганишимиз керак. Ёш ҳамкасбларимизга маслаҳатим томошабин олдидаги масъулиятни ҳеч қачон унуттишмасин.

Барча ҳамкасбларимга машаққатли ва шарафли ишимизда ҳамisha муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман.

«Ўзбекистон овози»
мухбири
Альбина ЖУМАНОВА
суҳбатлашди.



ЁШЛАРИМИЗ — ГУРУХ ПЕШҚАДАМИ

Шу кунларда Туркияда ёшлар (U-20) ўртасида жаҳон чемпионати қозғаниб бормоқда.

Мусобақанинг «F» гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси иккинчи турда Хорватия футболчилари билан куч сынашди. Учрашув олдида кўпчилик Европа китъаси вакиллари-нинг имкониятини юқори баҳолаётганди. Аммо биринчи ўйинда футболчиларимиз янги зеландияликларни йирик ҳисобда (3:0) мағлубиятга учратгани тасодиф эмаслиги исботланди.

Хорватияликларга қарши кечган баҳсда Аҳмаджон

Мусаев шогирдлари биринчи бўлиб ҳисобни очишди. 24-дақиқада ҳимоячимиз Сардор Раҳмонов рақиб дарвозасини ишғол этди. Ўйиннинг иккинчи ярмида эса хорватияликлар ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлдилар — 1:1.

Бугунги чиroyли ўйин учун йигитларга раҳмат айтаман, — деди учрашувдан сўнг Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Аҳмаджон Мусаев. — Якуний натижа ҳам ўйинга мос бўлди. Олдинда бизни Уругвай футболчилари-

га қарши жиддий ўйин кўтиб турибди. Жамоамизни дуранг натижа ҳам кейинги босқичга олиб чиқади. Аммо биз уругвайликларга қарши фақат галаба учун тўп суришга ҳаракат қиламиз.

Иккинчи турдан сўнг биттадан галаба ва дурангга эришган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси тўрт очко билан «F» гуруҳида пешқадамлик қилмоқда. Ҳамюртларимиз 29 июнь кунини гуруҳнинг охирига учрашуви-ни ўтказди. Футболчиларимиз Анталия шаҳрида Уругвай ёшлар терма жамоасига қарши майдонга тушди.

Самандар
БОБОРАЖАБОВ

Спорт

ОСИЁНИНГ СПОРТ БАЙРАМИ

Эртага Жанубий Кореянинг Инчئون шаҳридаги ёпиқ иншоотларда спорт турлари ва жанг санъатлари бўйича IV Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади

Унда қирқ беш мамлакатдан 2400 нафар қатнашчи спортнинг 12 тури бўйича кураш олиб бориши кўтилмоқда. Жумладан, эллик икки нафар ҳамюртимиз кураш, шохмат, Е-спорт, фўтзал, муай-тай ва кик-бокснинг бўйича Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Осиё ўйинлари низомига кўра, мусобақаларни фўтзалчилар бошлаб берди. Унда эркаклар ўртасида йигирма икки терма жамоа 7 гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс юритади.

Ўзбекистон терма жамоаси эса «G» гуруҳида Афғонистон ва Қатар фўтзалчилари билан кейинги босқич йўлланмаси учун курашмоқда. Тақвимга кўра, кеча кечкурун илк учрашувда вакилларимиз Афғонистонликларга қарши майдонга тушди. Қатарликлар билан баҳс эса 1 июль кунига белгиланган.

Аёллар ўртасида фўтзал баҳслари ҳам шиддатли ва мurosасиз давом этмоқда. Унда жами тўққиз терма жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда куч сынашяпти. Ўзбекистонлик фўтзалчи қизлар «B» гуруҳида Япония, Индонезия ва Хитой термалари билан плей-офф босқичи йўлланмаси учун кураш олиб бормоқда. Терма жамоамиз аъзолари илк учрашувда кунчиқар юрт спортчиларига имкониятни бой берганди. Бугун қизларимиз Индонезия, 30 июнь кунини эса Хитой терма жамоасига қарши майдонга тушди.

— Осиё ўйинларида синглим Гулрухбегим Тохиржонова, таниқли шохматчилар Ма-



4th Asian Indoor & Martial Arts Games

рат Жумаев ҳамда Антон Филипповлар билан биргаликда юртимиз шарафини ҳимоя қиламиз, — дейди халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова. — Мақсадимиз — ушбу нуфузли мусобақадан Ватанимизга фақат олтин медал билан қайтишдир.

Кураш бўйича беллашувлар 4 — 6 июль кунлари ўтказилади, — дейди мамлакат терма жамоаси бош мураббийи Муратбой Дусимбетов. — Унда йигитлар уч, қизлар эса икки вазн тоифасида гиламга чиқади.

Кеча эса Инчئونда маҳаллий вақт билан 14:00 да спорт делегациялари истиқомат қилаётган Олимпия шаҳарчасида Ўзбекистон Республикаси байрогининг кўтарилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Хушхабар



ОЛТИ ЁШЛИ ИСЛОМБЕК СИНДОРОВ УЧ КАРРА ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Эроннинг Сари шаҳрида шохмат бўйича яқунланган Осиё чемпионатида Исламбек ўз ёш тоифасида рапид, анъанавий ва блиц йўналишларида чемпион бўлди. У бу чемпионатда жами 21 учрашув ўтказди ва 20 тасида галаба қозонди.

Осиёнинг 16 давлатидан 6-18 ёшли шохматчилар қатнашган ушбу чемпионатда юртдошларимиз муваффақиятли иштирок этди. Исламбекнинг акаси Жаҳоҳир Синдоров (8 ёш) чемпионатнинг блиц йўналишида кумуш медалга сазовор бўлди. Нодирбек Ёқубов (12 ёш, блиц) ҳам кумуш медални кўлга киритди. Шаҳноза Турсунова (16 ёш) эса иккита бронза медали билан тақдирланди (рапид ва блицда).

Ёш шохматчиларимиз ва уларнинг мураббийларини табриклаймиз. Келажакда бундан-да нуфузли мусобақаларда галаба қозонишларига тилакдошимиз.

Асрор МҮМИН

СОЛИҚ СОҲАСИНИ ЎРГАНИШДА

МУҲИМ МАНБА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар негизда аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини янада ошириш ва ҳаёт сифатини юксалтириш масалалари туради. Шу боис аҳолининг меҳнат фаоллигини рағбатлантиришда солиқ сифати муҳим ўрин тутаети. Чунки, солиқлар одамлар даромадларини тартибга солишнинг асосий воситаларидан биридир.

лежлари учун тайёрланган «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» номили дарслик долзарб ва муҳим аҳамиятга эгадир.

Дарсликнинг таркибий тuzилиши кенг қамровли бўлиб, у танланган фанни мукаммал

ёритиш ва баён этиш имко-

Дарслик кириш, ўн икки боб, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, мантаник изчил кетма-кетликда тuzилган.

Китобда «Жисмоний шахс-

ларни солиққа тортиш» фанини ўқитишнинг зарурлиги, предмети ва функциялари, ушбу фанни ўқитишда солиқ хизмати органлари ахборот тизими таркибидagi асосий дастурий махсулотларни қўлаш тартибини ўрганиш йўл-

лари ёритилганлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Шунингдек, жисмоний шахслар томонидан тўланадиган умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларнинг аҳамияти, жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар ва бошқа мажбурий таркиби ҳамда солиқ хизмати органларида солиқ тўловчилар фаолиятига оид дастурий махсулотларнинг моҳияти ва аҳамияти батафсил тадқиқ этилган.

Бундан ташқари, дарсликда хорижий мамлакатлар солиқ тизимида солиққа тортиш шакллари ва усуллари, жаҳон солиқ моделлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, қатор хорижий мамла-

катларда жисмоний шахсларни солиққа тортиш тартиблари таҳлиллари келтирилган.

Шунингдек, китобда участка давлат солиқ инспекторининг асосий вазифалари, унинг фаолиятини, солиқ таъин пунктларини ташкил этиш ва участка солиқ инспектори иш ҳажмини белгилаш ҳамда фаолиятини назорат қилиш ва лавозимига тайинланадиган ходимга қўйиладиган талаблар таҳлил этилади.

Муктасар айтганда, «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» дарслиги Солиқлар ва солиққа тортиш таълим йўналишида таҳсил олувчи касб-хунар коллежлари талабаларига мўлжалланган.

Нуралли ОРИПОВ

Янги дарслик

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«УРГУТ САВДО КОМПЛЕКСИНИНГ ҚЎШИМЧА САВДО ДЎКОНЛАРИ ҚУРИЛИШ ИШЛАРИГА ҚЎМАКЛАШИШ ДИРЕКЦИЯСИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

2013 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб, фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	ҚҚС билан	Қурилиш муддати
1	Ургут туманидаги Ургут савдо комплексига қўшимча савдо дўконлари ҳамда жамоат бинолари ва иншоотлари қурилиши (1-9 нукталарига қурилишнинг 2-босқичи)	7 557 092 333 сўм	9 068 510 800 сўм	6 ой

Қурилиш ишлари «Ургут савдо комплексининг қўшимча савдо дўконлари қурилиш ишларига қўмаклашиш дирекцияси» давлат корхонасининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: «Ургут савдо комплексининг қўшимча савдо дўконлари қурилиш ишларига қўмаклашиш дирекцияси» давлат корхонаси.

Манзили: Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Ургут шаҳри, Навоий шох кўчаси, 9-а уй, 11-хонадон, **телефон:** (8598) 130-47-00, (8595) 177-40-03.

Талабдор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қўйиматининг камида 20 фоизи микродоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала

ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх проfferенциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солигидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча ра-

вишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соатига.

Тақлифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносидан соат 10-00 да ўтказилади.

Реклама



ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ПРЕДПРИЯТИЙ И ОРГАНИЗАЦИЙ, ЯВЛЯЮЩИХСЯ СУБАБОНЕНТАМИ ГРУП «TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»!

ГРУП «TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»

сообщает, что с 15 июля 2013 года установлена цена на услуги:

— по эксплуатации инженерных сетей холодного водоснабжения в размере 191,9 сум за 1 м³ с учетом НДС и 160 сум за 1 м³ без учета НДС;

— по эксплуатации инженерных сетей горячего водоснабжения и отопления в размере 25866,9 сум за 1 Гкал с учетом НДС и 21555,8 сум за 1 Гкал без учета НДС;

— по эксплуатации инженерных сетей отвода сточной воды в размере 111,5 сум за 1 м³ с учетом НДС и 92,9 сум за 1 м³ без учета НДС;

— по эксплуатации инженерных сетей при транспортировке электрической энергии в размере 133,4 сум за 1 кВт·час с учетом НДС и 111,1 сум за 1 кВт·час без учета НДС.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV	Murodilla ABDULLAYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir 1-o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatandorlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

O'zbekiston ovozi materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 646

16158

nuxsada

bosildi.

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 4 5